

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

---

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

2-2021

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

# FarDU. ILMIY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК.ФЕРГУ

**Муассис:** Фаргона давлат университети.

«FarDU. ILMIY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК.

ФерГУ» журнали бир йилда олти марта чоп этилади.

Журнал филология, кимё ҳамда тарих фанлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Журналдан мақола кўчириб босилганда, манба кўрсатилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 2 сентябрда 1109 рақами билан рўйхатга олинган.

Муқова дизайни ва оригинал макет FarDU таҳририят-нашиёт бўлимида тайёрланди.

## Таҳририят ҳайъати

**Бош муҳаррир  
Масъул муҳаррир**

МАКСУДОВ Р.Х.  
ЎРИНОВ А.А.

ФАРМОНОВ Ш. (Ўзбекистон)

БЕЗГУЛОВА О.С. (Россия)

РАШИДОВА С. (Ўзбекистон)

ВАЛИ САВАШ ЙЕЛЕК. (Турция)

ЗАЙНОБИДДИНОВ С. (Ўзбекистон)

JEHAN SHAHZADAH NAYYAR. (Япония)

LEEDONG WOOK. (Жанубий Корея)

АЪЗАМОВ А. (Ўзбекистон)

КЛАУС ХАЙНСГЕН. (Германия)

БАХОДИРХОНОВ К. (Ўзбекистон)

ҒУЛОМОВ С.С. (Ўзбекистон)

БЕРДЫШЕВ А.С. (Қозғистон)

КАРИМОВ Н.Ф. (Ўзбекистон)

ЧЕСТМИР ШТУКА. (Словакия)

ТОЖИБОЕВ К. (Ўзбекистон)

## Таҳририят кенгаши

ҚОРАБОЕВ М. (Ўзбекистон)

ОТАЖОНОВ С. (Ўзбекистон)

ЎРИНОВ А.Қ. (Ўзбекистон)

РАСУЛОВ Р. (Ўзбекистон)

ОНАРҚУЛОВ К. (Ўзбекистон)

ГАЗИЕВ Қ. (Ўзбекистон)

ЮЛДАШЕВ Г. (Ўзбекистон)

ХОМИДОВ Ф. (Ўзбекистон)

АСҚАРОВ И. (Ўзбекистон)

ИБРАГИМОВ А. (Ўзбекистон)

ИСАҒАЛИЕВ М. (Ўзбекистон)

ҚЎЗИЕВ Р. (Ўзбекистон)

ХИКМАТОВ Ф. (Ўзбекистон)

АҲМАДАЛИЕВ Ю. (Ўзбекистон)

СОЛИЖНОВ Й. (Ўзбекистон)

МАМАЖНОВ А. (Ўзбекистон)

ИСОҚОВ Э. (Ўзбекистон)

ИСКАНДАРОВА Ш. (Ўзбекистон)

МҮМИНОВ С. (Ўзбекистон)

ЖЎРАЕВ Х. (Ўзбекистон)

КАСИМОВ А. (Ўзбекистон)

САБИРДИНОВ А. (Ўзбекистон)

ХОШИМОВА Н. (Ўзбекистон)

ФОФУРОВ А. (Ўзбекистон)

АДҲАМОВ М. (Ўзбекистон)

ХОНКЕЛДИЕВ Ш. (Ўзбекистон)

ЭГАМБЕРДИЕВА Т. (Ўзбекистон)

ИСОМИДДИНОВ М. (Ўзбекистон)

УСМОНОВ Б. (Ўзбекистон)

АШИРОВ А. (Ўзбекистон)

МАМАТОВ М. (Ўзбекистон)

ХАКИМОВ Н. (Ўзбекистон)

БАРАТОВ М. (Ўзбекистон)

**Муҳаррир:**

Ташматова Т.

Жўрабоева Г.

**Мусахҳиҳлар:**

Шералиева Ж.

Мамаджонова М.

**Таҳририят манзили:**

150100, Фаргона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-үй.

Тел.: (0373) 244-44-57. Мобил тел.: (+99891) 670-74-60

Сайт: [www.fdu.uz](http://www.fdu.uz)

Босишига руҳсат этилди: 02.07.2021

Қоғоз бичими: 60×84 1/8

Босма табоғи:

Офсет босма: Офсет қоғози.

Адади: 50 нусха

Буюртма № 49

ФарДУ нусха кўпайтириш бўлимида чоп этилди.

**Манзил:** 150100, Фаргона ш., Мураббийлар кўчаси, 19-үй.

Фаргона,  
2021.

**М.Ражабова**

Навоий ижодида қушлар ва ҳайвонлар образининг халқона асосларда ифодаланиши ..... 74

**Н.Шарафиддинова**

Поэтик синтаксис тушунчасининг белгиланиши ва предмети ..... 79  
**ТИЛШУНОСЛИК**

**М.Абдуллатоев**

Полисиндетон – полифункционал синтактик фигура ..... 87

**М.Турдибеков**

Конибодом тумани макро ва микро топонимлари ..... 92

**М.Усманова**

“Кўхна дунё” асарида қўлланган арабий ва форсий изофанинг лингвистик хусусиятлари ..... 96

**М.Иброхимова, Т.Алимов**

Лингвокреатив медиамайдонда тилнинг экологик соғлигини сақлаш ..... 99

**М.Мадаминова**

Мурожаат шаклларининг прагматик хосланиши ..... 104

**С.Ҳабибуллаева**

Исажон Султон ҳикояларида маънодош ҳамда зид маъноли сўзларнинг лексик-семантик хусусияти ..... 111

**А.Уралов**

Асимметрик дуализм ва функционал транспозиция ..... 115

---

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ**Р.Сафарова**

Ўқувчиларда маданий дунёқарашни шакллантириш параметрлари ..... 120

**Э.Мирзажонова**

Шахснинг когнитив ривожланишининг эрта ташхиси ва ўзаро боғлиқлиги таълим самарадорлиги омили сифатида ..... 124

**М.Туйчиева**

Ўқув фани материалларини ўқишлилик даражасини оширадиган таълим методлари ..... 129

---

ИЛМИЙ АХБОРОТ**М.Рахимов, Х.Муйдинов, А.Комилжонов**

Четдан келтирилган қорамол ғунажинларини парваришлашнинг жадал технологияси ..... 134

**Р.Пирназаров**

Қурбонқўл қулама тўғонининг фильтрацион кўрсаткичларини ҳисоблаш ..... 137

**Б.Холматова**

Учинчи ренессанс даврида маънавий ишлаб чиқаришни юксалтириш эҳтиёжи ..... 140

**Н.Собиров, С.Исройлова**

Хўжанддаги биринчи дунё урушининг Австрия-Венгрия кучларининг излари ..... 144

**М.Болтабоев**

Совет ҳокимияти ўрнатилган йилларда вақф мулкларининг аҳволи ..... 147

**Д.Абдуллаев**

Музей жамланмасида давлат мукофотларининг ўрни ва аҳамияти ..... 150

**Н.Исройлов**

“Шарқ кутубхонаси” асарида Амир Темур томонидан Хурсоннинг забт этилиши масаласини ўрганилиши ..... 154

**А.Мусаев**

XVII аср бошларида Фарғона водийсидаги сиёсий кураш ..... 159

**С.Ҳамрақулов**

“Фарғона” газетасида хорижий мамлакатлардаги воқеаларнинг ёритилиши ..... 163

УДК: 413.11+(03)

КОНИБОДОМ ТУМАНИ МАКРО ВА МИКРО ТОПОНИМЛАРИ

МАКРО И МИКРО ТОПОНИМЫ КАНИБАДАМСКОГО РАЙОНА

MACRO AND MICRO TOPONYMS OF KONIBODOM DISTRICT

Турдибеков Мўмин Тўраевич<sup>1</sup>

<sup>1</sup>Турдибеков Мўмин Тўраевич

– Тошкент давлат ўзбектили ва адабиёти университети, амалий тилишунослик ва лингводидактика кафедрасининг доценти, филология фанлари номзоди

**Аннотация**

Мақолада ономастиканинг топонимика бўлими ҳақида фикр юритилади. Шунингдек, топонимикининг атама-гипероними доирасига кирувчи макро ва микро топонимлар Конибодом тумани ҳудуди асосида атрофлича таҳлилга тортилган. Ушбу мақола материалларидан топонимик тадқиқотларда, топонимик лугатлар тузишида фойдаланиш мумкин.

**Аннотация**

В статье рассматривается раздел ономастики – топонимия. Также на примере Канибадамского района детально проанализированы макро- и микротопонимы, подпадающие в сферу топонимии. Данные статьи могут быть использованы в топонимических исследованиях, при создании топонимических словарей.

**Annotation**

This article discusses the toponomy section of onomastics. Also, macro and micro toponyms included in the term-hyperony of toponomy are analyzed in detail on the basis of the territory of Konibodom district. The materials of this article can be used in toponymic research, in the creation of toponymic dictionaries.

**Таянч сўз ва иборалар:** топоним, макротопоним, микротопоним, гидроним, одонимия, гипероним, этнотопоним, антротопоним, топоэлемент.

**Ключевые слова и выражения:** топоним, макротопоним, микротопоним, гидроним, одонимия, гипероним, этнотопоним, антротопоним, топоэлемент.

**Key words and expressions:** toponym, macrotoponym, microtoponym, hydronym, odonimiyा, hyperonym, ethnktoponym, anthrotoponym, topoelement.

Ҳар бир жойнинг ўз номи, атамаси бор. Номда шу жой тарихи акс этади. Хусусан, жой номларини ўрганиш маълум ҳудуд ҳақидаги билим, тасаввурларимизни бойитади, ойдинлаштиради. Тилшуносликда жой номлари алоҳида тадқиқ этилади ва бу соҳанинг ўз атамаси бор. Топонимика лингвистик атама сифатида кенг маънодаги жой номини билдиради. Айни ўринда бу атама гипероним тавсифида бўлиб, жой номи билан боғлиқ бир қатор тушунчаларни бирлаштиради. Топоним атама-гипероними доирасида бирлашувчи гипоним-атамаларга, энг аввало, макротопоним ва микротопоним лексемалари киради. Макротопоним атамасининг аҳоли яшайдиган йирик ҳудуд маъноси ҳаммага тушунарли. Республика, вилоят, шаҳар, туман ва қишлоқ номлари макротопоним характеридаги лексемалар ҳисобланади. Ўз навбатида, макротопонимлар ҳам, микротопонимлар ҳам гипероним характерда бўлиб, унинг семантик қамровида жой маъноси билан алоқадор ном-атамалар таҳлилга

тортилади. Масалан, йўл, кўча, даҳа, океан, денгиз, кўл, сој ва ҳоказо лексемалар семантик қурилишида жой маъноси етакчи ва бирлаштирувчи лексемадир. Шу жиҳатдан улар мамлакат, ўлка, вилоят, туман, қишлоқ лексемалари билан маъно уйғунлигига эга. Шаҳар, ўлка, вилоят, туман, қишлоқ лексемалари макротопонимлар ҳисобланса, йўл, кўча, даҳа, маҳаллалар номлари лексемалари микротопоним деб юритилади. Микротопонимик тизим таълим-тарбия масканлари, муқаддас зиёратгоҳ номлари, мозорлар, қабристонлар ва уларнинг номлари ҳисобига янада кенгайиши мумкин. Макротопоним ва микротопонимлар иерархияли муносабатга кўра ҳам ўзаро боғланади. Суғд вилоятига қарашли Конибодом макротопонимиясига дахлдор айrim микротопонимлар тадқиқи бу жиҳатдан ўта қизиқарли маълумотларни беради. Бу ўринда гипероним характердаги Конибодом макротопонимининг одонимия (одонимика) лексема термини билан аталувчи гипонимик тармоғи юзасидан фикр

## ТИЛШУНОСЛИК

юритилади. Одонимия (одонимика) термин сифатида топонимиканинг тармоқларидан бири (гипоним)ни билдиради. Бу атама фанга ўтган асрнинг ўрталарида француз тилшунослари З.Хербили, А.Корнейлар томонидан киритилган. Француз лингвистларидан яна бири А.Совери талқинига кўра, одонимия (одонимика) гидронимиянинг синглиси сифатида транспорт ва инсон қатнови учун хизмат қилувчи жой номларининг барча турларини–шаҳар ва қишлоқ, кўча ва йўлларни, шоҳ кўча, булвар ва переулок (кесик кўча) номларини қамраб олади. Таникли француз тилшуноси Марсуел Коен эса бу атама қамровида фақат йўл ва кўча номларини тушунади.

Самарқанд макротопонимлари материаллари асосида маҳсус мақола эълон қилган Т.Рахматов одонимия (одонимика) қуруқлик ва сув йўлларининг барча тур ва кўринишларини билдиришини алоҳида эътироф этади. Конибодом гипероним–макротопонимининг тармоқларидан бирини гипонимия–одонимия (одонимика) ташкил қилади. Одонимика терминининг вазифавий функционал кўлтамини бироз кенгайтирилган ҳолда, улар таркибига яна маҳалла, гузар каби гипоним–микротопонимларни киритиш мумкин. Чунки Конибодом шаҳар ва қишлоқлари анчайин қадимий жойлардан саналиб, Шарқ анъанаасига кўра, кўчалар қадимда номланмаган, балки улар гузар, маҳалла топоэлементлари (топоформантлари) қўшилуви ёрдамида лисоний тус олган. Шу боис биз маҳалла ва гузар, мозор номларини шартли равишда, одонимия (одонимика) гипоним тушунчаси доирасида қарашни лозим топдик. Маҳалла ва гузар топоэлементларининг (топоформантларининг) лисоний мақоми хусусида сўз юритадиган бўлсак, маҳалла лексемаси ўзбек тилининг изоҳли луғатида эътироф этилишича, араб тилидан ўзлашган бўлиб, шаҳарнинг бир неча кўчасини ўз ичига олган бир бўлаги ва унинг аҳолиси тарзида шарҳланган. Тоҷик тилининг изоҳли луғатида эса унга жой, макон тарзида изоҳ берилган. Таҳлил қилинаётган Конибодом топонимикасида туман миқёсидаги ҳудуди аҳолиси, асосан, ўзбеклардан иборат Калпаса (хозир Қизил Нур), Халта (Халтақишлоқ ёки Ойимқишлоқ), Патар, Яккатеграк, Шаҳидқораянтоқ, Қўргонча

(Шаҳид Қўргонча), Тулковола (Қипчоқ қалъаси), Тоғай қўйчи, Шўрқўргон, Кўчкақ, Хамиржўй, Даشتқораянтоқ, Бекобод, (Бекободча), Ботирқўргон, Маҳрам, Ниёзбек, Равот каби макротопонимлардан ташкил топади. Ана шу макротопонимлар гипероним тавсифида маҳалла характеристидаги ўнлаб аҳоли пунктларини ўз ичига олади. Маҳалла номларини функционал-семантик (вазифавий-мазмуний) жиҳатдан куйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин: 1) рельеф хусусиятига кўра: Паст маҳалла (Патар, Хамиржўй, Кўчкақ), Даشت маҳалла, Чуқурча маҳалла (Патар), Қақир (Шаҳидқораянтоқ), Тошлоқ (Кўчкақ, Хамиржўй); 2) жой ва унинг хусусияти: Новбоши (Шаҳидқораянтоқ), Қўргонча (Шўрқўргон), Мозор кўча (Кўчкақ), Қўргон маҳалла (Кўчкақ, Ниёзбек); 3) тараф, томон: Кунчиқар маҳалла (Хамиржўй), Ички маҳалла (Бекобод), Юқори маҳалла, Қуий маҳалла (Тоғай қўйчи), Ўрта маҳалла (Кўчкақ); 4) шахс ва унинг лақаби маъноси: Ҳожи маҳалла (Тоғай қўйчи), Бешкал (Шаҳидқораянтоқ); 5) этнотопоним: Боёвут маҳалла (Бекобод), Араб маҳалла (Шўрқўргон); 6) антротопонимлар: Ашур маҳалла (Шўрқўргон); 7) предмет хусусияти: Кампир девор (Ниёзбош).

Энди гузар номи билан аталувчи микротопонимлар хусусида сўз юритсан, бу сўз келиб чиқиши жиҳатидан форсчаторжикича сўз бўлиб, қишлоқ ёки маҳаллаларда одатда кўчанинг кесилган ерида, чорраҳаларда жойлашган чойхоналари, баққолчилик каби дўконлари бўлган обод, гавжум ва серқатнов жой маъносини ҳам англатади. Материали ўрганилаётган ҳудуд аҳолиси тилида (шевада) қишлоқ ёки маҳалланинг маркази маъносини билдиради. Тоҷик тилининг изоҳли луғатида бу сўз – ўтиш жойи, кўча маъноларидан ташқари, мажозий “халос бўлмоқ”, “илож” маъноларини ҳам билдирувчи лексема сифатида ҳам шарҳланган. Конибодом туманига қарашли қишлоқларда учровчи гузарларнинг номларини функционал-семантик жиҳатдан қуийдагича гуруҳлаш мумкин: 1) жой маъносини билдирувчи микротопонимлар: Эски Қораянтоқ, Майхона (Даشتқораянтоқ), Қўргон, Кумушқўргон, Сарой, Тегирмонбоши, Куриқ (Ниёзбек); 2) этноним-атамалар: Қозоқлар (Ниёзбек), Араблар (Тутковала); 3) киши исмлари билан аталувчи гузарлар:

Мингбой (Махрам); 4) лақаб ёки титуллар асосида ҳосил бўлган номлар: Мирлар (Ниёзбек), Бобогузар (Тулковола); 5) рельеф хусусияти ва шунга яқин маънодаги сўзлар: Паст, Юқори (Тутковала); 6) айрим ҳайвон ва унинг тўдаси номи билан боғлиқ номлар: Галасак, Етим қўзи (Даштқораянтоқ).

Маҳалла, гузар одонимларидан ташқари, Конибодом қишлоқлари билан боғлиқ макротопонимлар тизимида диний таълим-тарбия маскани маъносидаги масжид (мачит), қабристон, боғ ва экин майдони маъноларини ташувчи микротопонимлар ҳам учрайди. Мачит микротопонимларни функционал-семантик жиҳатдан қуидаги гурӯҳларга ажратиш мумкин: 1) киши номлари билан аталади: Турдивой бобо мачити, Болтавой сўпи мачити (Даштқораянтоқ); 2) рельеф ва унинг шакли, ранги каби маъноларни ифодалайди: Юқори мачит, Пастки мачит (Равот), Қизил мачит, Қақир мачит (Ниёзбек); 3) жой ва унинг хусусияти маъносини билдиради: Янтоқли мачит, Кўриқ мачити, Кумуш қўргон мачити (Ниёзбек), Кўргон (Даштқораянтоқ).

Мозорбобо (Бекобод), Хўжа Гулистон (Ниёзбек), Кўчкак мозор, Оққумбобо (Роват) сингари микротопонимлар фаолияти тарихда унчалик маълум бўлмаган шахслар қабрлари қўйилган ва ўша атроф аҳолисининг муқаддас зиёратгоҳ жойи маъносидаги масканни билдиради. Булар мозор топоэлементи билан аталса-да, чин маънодаги қабристонларга тенг келмайди. Конибодом макротопоними тизимида миқдор жиҳатдан кўпчиликни ташкил қилувчи микротопонимлардан бири гидроним характеристидаги гипонимлардир. Бундай гипонимларга топоним атамалар ортидан тиркалган ариқ топоформант (топоэлемент)ли номлар киради. Бизга маълумки, Исфара сойи Фарона вилоятининг Бешариқ тумани қишлоқларини, шунингдек, Конибодом ва унинг атрофидағи қишлоқларни сув билан таъминловчи асосий манба ҳисобланади. Исфара сойи турли қишлоқларга қараб тармоқланади. Гидроним-атамалар ана шу қишлоқ (макротопоним) номлари билан аталади. Фарона вилояти, Бешариқ туманининг Рапқон, Шаверди (Шоҳберди), Узун, Яккатут, Совуртепа, Андархон каби қишлоқларига келадиган сув ва унинг йўналиш макони ариқ номи билан аталади. Исфара сойининг тармоғи қайси қишлоққа йўналган бўлса, шу

арик (гидроним) микротопонимнинг номи ўша қишлоқ номи билан юритилади: Бешариқ ариқ, Рапқон ариқ, Шоварди ариқ, Узун ариқ, Яккатут ариқ, Совуртепа ариқ, Андархон ариқ ва ҳоказо. Исфара сойининг Конибодом шаҳар ва қишлоқларига таралган тармоқлари ҳам суви етиб келган топоним номи билан аталади: Конибодом ариқ, Калта (қишлоқ) ариғи, Патар ариқ, Яккатерак ариқ, Қораянтоқ ариқ, Махрам ариқ, Кўчкак ариқ, Қароқчикум ариқ. Шу ўринда айтиш ўринлики, бу гидронимлар қаторида Каниз ариқ ҳам мавжуд. Бу ном этиологик шарҳга муҳтож бўлиб, маҳаллий тил шевасида каниз ариқ шаклида аталовчи гидронимнинг этиологияси хусусида бир хил фикр мавжуд эмас. Суви Бешариқ туманининг Совуртепа қишлоғи орқали Янгиқишлоқ қишлоғи томон йўналади. Уларни ичимлик суви билан таъминлаган, суғориш манбаи вазифасини ўтаган бу ариқ халқ орасида Каниз ариқ, Канизак ариқ, Княз ариғи шаклларида кўлланиб келинган. Ариқнинг номи ҳақида бирор бир илмий маълумот йўқ. Тахлиллар шуни кўрсатдики, аслида у Кал Ниёз ариғи шаклида вужудга келган.

Бешариқ туманининг Янгиқишлоқ деб номланувчи қишлоғи табиий сув манбаларидан узоқда жойлашган. Янгиқишлоқ ўз номидан ҳам маълумки, унга худуддош Яккатут, Совуртепа, Андархон қишлоқларидан анча кейин пайдо бўлган. Аҳолиси чорвачилик билан шуғулланган. Шу жойни яшаш масканига айлантириш учун ўша давр тадбиркорларидан ҳисобланган Ниёз номли шахс Исфара сойининг Конибодом худудидан Бешариқ туманининг турли қишлоқларига тармоқланувчи бошланиш қисмидан ўз қишлоғига қараб ариқ очган. Бу ариқдан ёз мавсумида ёш болаларни оқизадиган даражада сув оққан. Шу боис дастлаб бу ариқ Кал Ниёз ариқ шаклида вужудга келган. Бора-бора бу ном Каниз ариқ тусида айтиладиган бўлган. Демак, Каниз ариғининг ilk лисоний шакли (қиёфаси) Кал Ниёз ариғи шаклида бўлган. Булардан ташқари, Конибодом тумани қишлоқларida Туман ариқ, Долим бобо ариғи, Юнус бобо ариғи (Равот), Калласа ости ариғи (Қизил Нур), Галаариқ (Ниёзбек) ва ҳоказо микротопонимлар ҳам мавжудки, улар экин майдони ва ўрикзор боғ номлари сифатида ишлатилади.

Хуллас, Конибодом ва шу ном билан аталувчи гипероним-топоним тизимини

## ТИЛШУНОСЛИК

ташкил этувчи макро ва назаридан ўрганиш ўзбек тили тарихи, ўзбек микротопонимларнинг лисоний табиатидан диалектологиясини тўғри ва илмий тасаввур маълум бўладики, уларни тил илми нуқтаи этишда муҳим аҳамият касб этади.

### Адабиётлар:

1. Рахматов Т. Одонимия Самарқанд // Сов. Тюркология. – Баку, 1972, Н4.
2. Смирнова О.И. К вопросу о среднеазиатских культурах (из среднеазиатской топонимики). В кн. “Письменные памятники и проблемы исторической культуры народов Востока”. –Л., 1970.
3. Теория и методики исследования ономастических исследований. –М.:Наука, 1986.
4. Топонимика . Из истории Сред. Аз. и Вост. Туркестана XX-XIX вв. –Т.,1987.
5. “Фарҳангি забони тоҷики” – М., 1969., 1-жилд.
6. Ҳасанов Ҳ. Ўрта Осиё жой номлари тарихидан. –Т.: Фан, 1965.

Узбек тилининг изоҳли луғати. 1-жилд, – М., 1981.

(Тақризчи: С.Мўминов – филология фанлари доктори, профессор).